

# Юксак эътибор ва эътироф ифодаси



-Истиқлолимизнинг қутлуғ 30 йиллик тўйи муносабати билан Сизларнинг халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, тинч, тўкин ҳаётимизни таъминлаш, миллий қадрият ва анъаналаримизни кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш йўлидаги хизматларингиз алоҳида эътироф этилди,-деди вилоят ҳокими.-Биз, давлатимиз раҳбарининг юксак ордени, медал ва эсдалик нишонларини бутун Сурхон аҳлига берилган мукофот, шу билан бирга бажараётган ишларимиз учун берилган аванс сифатида қабул қилишимиз жуда ўринли бўлади, деб ҳисоблайман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни бундай юксак ишонч ва эътироф билан самимий табриклайман. Мустақиллигимиз абадий, Ватанимиз осуда, ҳаётимиз янада фаровон бўлаверсин.

Мукофотланганлар орасида Бойсун тумани нуронийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли Хоним Тошбоев ҳам бор. Фаол отахоннинг жамоатчилиги асосида олиб бораётган эзгу ишлари "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланди.

- Инсон ёши улғайган сайин ўтган ва бугунги турмушини, босиб ўтган ҳаёт йўлини бир-бирига қиёслаб кўраверар экан,-дейди Хоним бобо Тошбоев.- Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда содир бўлаётган янгиланишлар, ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришларни кузатиб, шундай озод ва обод кунларга етказгани учун шукрона айтаман. Ёшу-кексага бирдек кўрсатилаётган эътибордан фахр ҳиссини туяман. Айниқса, кейинги йиллардаги ишлардан ўзимни ёшараётгандек ҳис этаман. Бундай ғамхўрликлардан жуда мамнунман.
- Мамлакатимизнинг тарихий ва энг шонли санаси муносабати билан вилоятда 2 минг 258 нафар турли соҳа вакиллари ва фаол ёшлар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги" эсдалик нишонига сазовар бўлди.
- Тантанали маросимда давлат мукофотлари ва эсдалик нишон билан тақдирланганлар номидан сўзга чиққанлар юксак эътибор ва эътироф учун чексиз миннатдорлик билдирди.